

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TASHQI ISHLAR VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIIY SUDINING
QARORI

198 Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларга тенглаштирилган ташкилотлар ходимларига нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақидаги йўриқномага ўзгартиш киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
26 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2338-1*

(2012 йил 6 майдан кучга киради)

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Олий судининг 2012 йил 13 февралдаги 7, 5 ва 22-сонли қарори (рўйхат рақами 2338, 2012 йил 13 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 11-сон, 121-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларга тенглаштирилган ташкилотлар ходимларига нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақидаги йўриқноманинг 4-банди саккизинчи хатбошидаги «дипломатик ваколатхона бошлиғининг транспорт воситаси бундан мустасно» сўзлари «СМД», «D», «UN» ва «X» серияли давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгилари бўлган транспорт воситалари бундан мустасно» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Ташқи ишлар вазири

А. КОМИЛОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 12 апрель,
8-сон

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 12 апрель,
12-сон

Hujjat 2012 yil 30 aprel holatiga

17 (517)-сон

Олий суд раиси

Тошкент ш.,
2012 йил 12 апрель,
50-сон

— 55 —

198-199-моддалар

Б. МУСТАФОЕВ